
Гаров мулки хатланиб, аукцион савдога чиқарилди !

Фуқаролик ишлари бўйича Ўзбекистон туманлараро судининг 22.09.2023 йилги қарорига кўра, қарздор О.А.дан ундирувчи ТИФ Миллий банк фойдасига 216.232.518 сўм кредит қарзи ундириш, ундирув гаровга қўйилган қарздорга тегишли Бешариқ тумани, Тошариқ МФЙ, Янги Тошариқ кўчасида жойлашган 12-уй-жойга қаратиш белгиланган.Мазкур ижро ҳужжати бўлим иш юритувига 24.10.2023 йилда келиб тушган ва мажбурий ижрога қаратилган ва 150323020605-сонли сонли ижро иши қўзғатилган.Ижро ҳужжати талабини ихтиёрий бажариш учун қарздорга 15 кунлик ихтиёрий муддат берилган ва қарздорга ҳуқуқ мажбуриятлари тушунтирилган.Олиб борилган ижро ҳаракатлари давомида, гаровга қўйилган кўчмас мулк бино иншоотлари 14.11.2023 йилги далолатномага асосан хатланган.05.11.2023 йилги баҳолаш далолатномасига асосан кўчмас мулк бино иншоотини бошланғич баҳоси 251.250.000 сўм этиб белгиланган. Ижро ҳужжати ижросини таъминлаш мақсадида хатланган кўчмас мулк биниси Электрон онлайн-аукционларни ташкил этиш маркази орқали «E-IJRO AUKSION» ягона электрон савдо майдончасида сотиш учун чиқарилди. Зеро, қарздор тез кунларда кредит қарздорлик бартараф этилишига умид киламиз.

2023-12-18 15:22:54